

Соғлом рақобат - бозор муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим омили

Иқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим шартларидан бири бу — мавжуд монопол тармоқлар фаолияти билан жамият ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми ўсишини доимий равишда таъминлашдан иборат. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни ислоҳ қилиш даврида монопол тармоқлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, монополиядан чиқариш ва бу борадаги фаолиятни чеклаш долзарб масала ҳисобланади.

Мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналиши монопол корхоналар маҳсулотлари ва хизматларидан сифатли ҳамда кафолатли фойдаланиш, маҳсулотлар нархлари муқобиллигини таъминлаш, истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлиқ кондириш орқали макроиқтисодий барқарорликка эришишга қаратилгандир. Бу эса, ўз навбатида, давлат томонидан монопол корхоналар фаолиятини таркибий ўзгартириш ва соғлом рақобат муҳитини яратишга йўналтирилган комплекс тадбирларнинг амалга оширилиши ҳамда қонунчиликнинг такомиллаштирилишини тақозо этади.

Бунда Президентимизнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси доирасида “Рақобат тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилингани муҳим аҳамият касб этади. Янги қонунни қабул қилишдан мақсад – рақобат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштиришга, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини аниқлаштиришга, товар ва молия бозорларида монополистик фаолиятнинг олдини олиш ва тўхтатиш бўйича ҳуқуқий воситаларини янгилашга йўналтирилган.

Маълумки, молия бозори иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланиб, унда ҳозирги кунда юзлаб хўжалик юритувчи субъектлар фаолият олиб бормоқда. Шу билан бирга, молиявий хизматлар бозорларида, жумладан, банк хизматлари бозорида рақобат етарли даражада ташкил этилмаган. Шу боисдан янги қонуннинг энг муҳим янгилик жиҳати бу монополияга қарши тартибга солишнинг молиявий хизматлар бозорига нисбатан татбиқ этилиши ҳамда ушбу бозорлар субъектларини тартибга солиш мезонларининг белгиланганлигидир. Қонунда акс эттирилган молия бозорларида рақобатни таъминлаш бўйича янги меъёрлар монополияга қарши тартибга солишнинг самарали механизмини жорий қилиш имкониятларини кенгайтиради. Бундан ташқари, тегишли органга молия ташкилотларининг монополистик фаолиятини чеклаш, молия бозорларида соғлом рақобатни ривожлантириш, рақобатга қарши ҳаракатлар ва битимларнинг олдини олиш, шунингдек, иқтисодий концентрация устидан назорат ўрнатиш ваколатлари ҳам

юклатилган. Қайд этиш жоизки, қонун молия ташкилотларига монопол корхоналар ўз монопол мавқеини суиистеъмол қилган ҳолларда доимий назоратга олиш, қўлланилаётган нархларнинг асоссиз ва тизимли равишда ошишини бартараф этиш имконини беради. Шунингдек, молия ташкилотларининг ўзини ҳам монополияга қарши талаблар асосида назорат қилиш механизмларини яратади.

Қонун нормалари рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳозирги кунда кўпгина алоҳида қонуности ҳужжатларидан иборат бўлган меъёрларнинг жамланишини таъминлаб беради, мазкур соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини оширади, қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни ва монополияга қарши тартибга солиш соҳасидаги қарама-қаршилиқларни бартараф этади ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шарт-шароитларни, товарларнинг эркин айланишини, иқтисодий фаолиятнинг эркинлигини таъминлаб беради. Бу эса рақобат ривожланишининг ҳамда унинг товар ва хизматлар бозорларида ҳимоя қилинишининг энг асосий жиҳати ҳисобланади.

Бундан ташқари, ушбу ҳуқуқий ҳужжатда “молия бозори”, “бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар”, “инсофсиз рақобат”, “камситувчи шартлар (шароитлар)”, “нотўғри таққослаш”, “товарнинг монопол юқори нархи”, “товарнинг монопол паст нархи”, “шахслар гуруҳи” ва бошқа тушунчаларга тавсиф берилди ҳамда аниқ тоифалаш тартиби белгилаб қўйилди. Бу эса қонунни қўллаш ва унинг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилишини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Қонунда умумий тавсифлар аниқлаштирилиши билан бир қаторда, айрим тушунчалар, хусусан, "устун мавқе"ни тавсифлаш принципи, субъектнинг товар ёки молия бозоридаги устунлик мавқеини ўрнатиш мезонлари аниқ белгиланган.

Қонунда биржа савдолари натижасида вужудга келган нарх монопол юқори нарх ҳисобланмаслиги назарда тутилган. Шундай қилиб, юқори ликвидли, жумладан, товар ва молия бозорларида устун мавқега эга корхона томонидан ишлаб чиқарилган товарларнинг биржа савдолари ривожланиши билан товарнинг монопол юқори нархи тавсифига ёндашув ҳам ўзгарди.

Айни чоғда, қонунда савдоларни ва иқтисодий концентрация бўйича давлат назоратини таъминлаш мақсадида шахс ёки шахслар гуруҳининг устунлик даражаси ошишига олиб келувчи қўшилиш, қўшиб юбориш. акцияларни, мулкӣ ҳуқуқларни сотиб олиш ва бошқа битимлар (ҳаракатлар) тартибга солинди. Хўжалик субъектларига нисбатан маъмурий юклар, оғирликларни қисқартириш мақсадида активларнинг баланс қиймати оширилди.

Қонунда назарда тутилган акциялар (улушлар)ни сотиб олиш бўйича

битимлар тузиш учун розилик олиш тартиботини содалаштириш акцияларни (улушларни) сотиб олиш бўйича рақобат соҳасидаги ваколатли органга қилинадиган мурожаатларни деярли 2 баробарга қисқартиради ва ўз навбатида ҳам молиявий, ҳам меҳнат ресурсларини иқтисод қилишни таъминлайди. Қимматли қоғозлар бозорларида акциялар олди-сотдиси билан шуғулланувчи инвестицион воситачилар томонидан тузиладиган битимлар устидан, шунингдек, акциялар ва улушларни ишончли бошқарувга бериш устидан назорат олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас, деб тан олинди, сабаби, мазкур бозор қатнашчилари рақобат ривожланишига таъсир кўрсатмайди. Қонунда ушбу бозор қатнашчилари томонидан содир этиладиган битимларни келишиш шарт эмаслиги назарда тутилган, бу эса ушбу соҳада фаолият юритишни кенгайтиришни таъминлайди. Ушбу меъёрнинг киритилиши монополияга қарши тартибга солишга самарали ёндошишга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ресурсларидан фойдаланиш ва акциялар (улушлар) ва бошқа мулкый ҳуқуқларни сотиб олиш учун олдиндан розилик олиш жараёнини содалаштиради.

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган тақдирда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик юритувчи субъектларга монополияга қарши орган томонидан берилган тегишли кўрсатмани белгиланган муддатда бажариш, етказилган зарарни қоплаш ва жарима тўлаш каби чораларни кўриш механизми аниқ кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарималар солиш тартиб-қоидалари қонунда белгилаб қўйилганлиги товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини шакллантиришга ҳамда янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Насимжон АЛИМОВ,

Сиддик АБДУБОҚИЕВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари.

Биржа, 25 февраль 2012 йил